

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЕШБАЕВА УЛБОСИН ЖАМАЛОВНА

**ТАРКИБИГА СИНТЕТИК ПОЛИМЕРЛАР КИРИТИЛГАН ОФСЕТ
ҚОҒОЗИ ВА УНИНГ БОСМА-ТЕХНИК ХОССАЛАРИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар,
мехатроника ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ешбаева Улбосин Жамаловна

Таркибига синтетик полимерлар киритилган
офсет қоғози ва унинг босма-техник хоссалари..... 4

Ешбаева Улбосин Жамаловна

Офсетная бумага с введением синтетических
полимеров и её печатно-технические свойства..... 28

Eshbaeva Ulbosin Jamalovna

Offset paper with introduction of synthetic
polymers and its printing-technical properties 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЕШБАЕВА УЛБОСИН ЖАМАЛОВНА

**ТАРКИБИГА СИНТЕТИК ПОЛИМЕРЛАР КИРИТИЛГАН ОФСЕТ
ҚОҒОЗИ ВА УНИНГ БОСМА-ТЕХНИК ХОССАЛАРИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар,
мехатроника ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.titli.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рафиков Адхам Салимович

кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Примкулов Махмуд Темирович

техника фанлари доктори, профессор

Климова Елена Дмитриевна

техника фанлари доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

Ихтиярова Гулнора Акмаловна

кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Наманган муҳандислик технология
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашининг 30 сентябрь 2017 й. соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон -5, тел. (+99871)253-06-06, 253-08-08. факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел.(+99871) -253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2017 йил 16 сентябрда тарқатилди.

(2017 йил 16 сентябрдаги 14 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Ж.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Д.А.Джураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон бозорида целлюлоза-қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш доимий ошиб бормоқда, дунё бўйича йилига 403 млн тоннадан ортиқ қоғоз ва картон ишлаб чиқарилади. 2025 йилга қадар бу кўрсаткич ўртача ўсиши 2,1% ни, ишлаб чиқариш эса 500 млн тоннагача ўсиши прогноз қилинмоқда.¹ Бугунги кунда бутун дунёда ёғоч ресурслари тақчиллиги чуқурлашиб бормоқда, шу сабабли толали чиқиндилардан фойдаланиб сифатли қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни матбаа соҳасига жорий этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу соҳада АҚШ, Хитой, Хиндистон, Бразилия, Жанубий Америка, Шарқий Европа давлатларда маълум ютуқларга эришилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган йиллар мобайнида хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикада маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб янги қоғоз ва картон маҳсулотларини яратишга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бу борада, жумладан, ёғоч целлюлозаси танқислигини ҳисобга олиб қоғоз тайёрлаш учун ипакнинг калта толали чиқиндиларидан, топинамбур, терак дарахти, қизилмия целлюлозаси, кенаф, буғдой сомони целлюлозасидан қоғоз олиш ва босма сифатини прогнозлаш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегисидан белгиланган. Шу муносабат билан маҳаллий толали чиқиндилардан фойдаланиб қоғоз, картон, целлюлоза-композицион материалларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш энг перспектив услубларидан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида муқобил ва иккиламчи хомашёдан қоғоз олиш бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада: қимматбаҳо целлюлоза хомашёсини тежаш мақсадида қоғоз композицияси таркибига корхоналарида юзага келадиган толали чиқиндилардан фойдаланиб, қоникарли физик-механик хоссаларга эга бўлган янги қоғоз олиш технологиясини яратиш, турли толаларнинг ўзаро, полимерлар ва босма бўёқлари билан таъсирлашув қонуниятларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ 916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор

¹Jaakko P. World paper markets up to 2020. Executive report 2005 / Jaakko Pöyry consulting, 2005. <http://www.Газета.uz>

ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 155-сон “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Толали материаллардан целлюлоза олиш технологияси, олинган қоғоз маҳсулотларининг босма хоссаларини яхшилаш ва “бўёқ – қоғоз” тизимининг ўзаро таъсирлашуви назариясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, ESF Cellulose Research Institute (АҚШ), CRS Reactor Engineering (Швеция), Celulosa de Levante S.A. – Celesa (Испания), Papeteries de Saint Girons (Франция), Hollingsworth & Bose GmbH & Co Kg (Германия), Gruppo Cordenons SPA (Wlochy, Бельгия), Cartiera Rossi SPA (Италия), Polska Wytwórnia Papierów Wartościowych S.A. (Польша), Москва қоғоз марказий илмий-тадқиқот институти ҳамда Санкт-Петербург ўсимлик полимерлари давлат технологик университети (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда табиий, синтетик ҳамда иккиламчи толалар кўшиб қоғоз олиш ҳамда қоғознинг бўёқ билан таъсирлашуви назариясини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: кенг қамровли технологик имкониятларга эга бўлган қоғоз қуйиш машиналари яратилган (Thai Kraft Paper Industry, Германия), иккиламчи хомашё асосида қоғоз олиш технологияси ишлаб чиқилган (Voith C-bar, Германия) (Stora Enso, International paper, Smurfit Newsprint, Arctic paper, Thomas de la Rue, Chenmig, Финляндия, АҚШ, Швеция, Франция, Хитой), қоғознинг физик-механик ва “қоғоз–бўёқ” тизимининг ўзаро таъсирлашуви назариялари яратилган (Heinbach, Bergische University Wuppertal, Dortmund Technical University, Германия, Москва давлат матбаа университети, Бутунроссия матбаа илмий-тадқиқот институти, Россия, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон).

Дунёда қоғоз ва матбаа саноати техника ва технологияларини яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда; қоғоз ва матбаачилик саноатлари учун қоғоз ишлаб чиқаришда

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.securitypaper@buzton.com>; <http://www.podrobno.uz>; <http://www.5ka.ru/1/28618/1.html>; <http://www.vniki.ru>; <http://documentation-ru.narod.ru/Izobretenie-bumagi-i-sovershenstvovanie-eyo-proizvodstva-bci.html>; <http://silverlib.ru/uchebniki-onlayn/uchebnik-dlya-vuzov-onlayn-14.html>; <http://no-index.Ru/stati/bumaga/bumaga-iz-sinteticheskix-volokon.html>; www.Centr-agro.ru; <http://coolreferat.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

целлюлоза таркибига табиий, кимёвий ва иккиламчи толали чиқиндилар қўшиб қоғоз олиш технологиясини яратиш; янги полимер елимловчи моддалар киритиш йўли билан маҳаллий хомашёдан мақсадли фойдаланиш ҳисобига қоғознинг сифат кўрсаткичларини ошириш; босма-техник хоссаларни яхшилаш услубларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда толали материаллардан целлюлоза олиш ва улардан турли қоғоз ассортиментларини тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, хомашё ва қоғоз таркиби, физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш масалалари бу йўналишда изланишлар олиб борган бир қатор олимлар: Забелин Л.В., Вураско А.В., Барбаш В.А., Моисеев Б.Н., Варепо Л.Г., Раҳманбердиев Г.Р., Примкулов М.Т., Алимова Х.А., Горский М.Г., Иванов С.Н., Перкальский Н.П., Терентьев И., Kunst F., Ovens J., Klein K., Okamura S., Inakaga X., Gutman V.B., Kobayasi Takushti, Takeda Xirosi, Lerman S.I., Pirati G. ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Матбаа технологияларининг назарий методологик асослари ривожланишига оид “бўёқ – босилувчи материал” тизимининг ўзаро таъсирлашуви назариясига сезиларли ҳисса қўшганлар олимлар, жумладан, Дерягин Б.В., Климова Е.Д., Козаровицкий Л.А., Korte K., Фляте Д.М., Шахкельдян Б.Н., Tollenaar D., Zettelmayer A.S. каби олимлар томонидан маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Аввалроқ линтдан олинган пахта целлюлозасига нитрон чиқиндиларини қўшиб қоғоз олиш усуллари ўрганилган. Уларнинг натижалари бўйича синтетик толалар қўшилганда композициянинг қоғоз ҳосил қилиш хоссаларининг пасайиши ҳақида хулоса қилинган. Қутбли функционал гуруҳларни ҳосил қилиб нитрон чиқиндиларини модификациялаш ва функционал-фаол полимер елимловчи моддалардан фойдаланиш бу муаммонинг хал қилинишига хизмат қилади. Олимларнинг алоҳида тадқиқотлари бўйича кўп сонли илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, қоғоз тайёрлашда полиакрилонитрил (нитрон) тола тўқимачилик чиқиндисидан фойдаланиш, толали чиқиндилар ва полимер елимловчи моддаларнинг қоғоз композицияси тузилмасига, қоғоз ишлаб чиқариш параметрларининг босма маҳсулот сифатига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар ҳозирги кунгача деярли олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-07-02 «Тола ва тўлдирувчилар юзасида функционал-фаол мономерларнинг пайванд сополимерланиши» (2012-2016) ва А-12-9 «Табиий ва синтетик пайванд сополимерлар асосидаги толали материаллар» (2015-2017) мавзулари бўйича фундаментал ва амалий лойиҳалари илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қоғоз композициясида линтдан олинган пахта целлюлозаси билан уйғунликда синтетик полимерларни қўллаш асосида офсет босма қоғозини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қоғоз

компонентларининг ўзаро ва босма бўёғи билан таъсирлашуви механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қоғоз композицияси таркибида линтдан олинган пахта целлюлозаси ва синтетик полимерлар мавжуд бўлган босма қоғози олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

композицион қоғозни барқарорлаштириш ва хоссаларини тартибга солиш мақсадида модификацияланган кимёвий толалардан фойдаланиш;

полимерли янги елимловчи моддалар киритиш йўли билан толали чиқиндиларга эга қоғозларнинг сифатини яхшилаш ва мустаҳкамлик хоссаларини ошириш услубини яратиш;

бўялган толали компонентларни киритиш йўли билан қоғозли ҳужжатларни калбакилаштиришдан ҳимояланганлигини ошириш усулини ишлаб чиқиш;

замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари билан қоғоз массаси компонентларининг ўзаро таъсирлашуви механизмини белгилаш;

тажрибавий қоғоз турларида босилган рангли босма нусхаларнинг сифатини баҳолаш учун қоғознинг босма-техник хоссаларини, босма нусхаларининг градацион ва колориметрик тавсифномаларини аниқлаш;

босилувчи материалнинг ғоваклигини ҳисобга олиб, назарий таҳлил асосида қоғознинг бўёқ қабул қилишини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

янги турдаги қоғозларни босишда кескин кўтарилиш услуби билан математик моделлаштириш ва бўёқ қабул қилишни оптималлаштириш;

назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларини амалга ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқариш ва апробациядан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида линтдан олинган пахта целлюлозаси (ЛПЦ), синтетик тола чиқиндилари (СТЧ), модификацияланган нитрон чиқиндилари (МНЧ), акрил эмульсияси (АЭ), полиакриламид (ПАА), бутадиен-стиролли латекс (БСЛ), полиэтилентерефталат чиқиндилари алкоголизи маҳсулотлари (ПАПЭТФ) ва тажрибавий қоғоз турларида босилган кўп бўёқли нусхалар кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг предмети синтетик полимерлар киритилган қоғоз олиш, қоғознинг физик-механик ва босма-техник хоссаларини яхшилашнинг тузилма-механик ва кимёвий омили, босма нусханинг сифат кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қоғоз олиш ва босма жараёни технологиясининг умумий усуллари ва синтетик полимерлар киритиб олинган қоғознинг сифат ва босма хоссаларини синашнинг замонавий усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

таркибида линтдан олинган пахта целлюлозаси ва синтетик тола чиқиндилари мавжуд бўлган офсет қоғози олиш технологияси ва рационал композиция параметрлари ишлаб чиқилган;

синтетик полимерлар ва табиий ипак чиқиндилари эритмаси билан модификацияланган ва гидролизланган ПАН-толаларидан фойдаланиб қоғоз массасининг шаклланиш қонунияти яратилган;

массада елимлаш учун гидроксил, карбоксил ва аминогуруҳларга эга полимерлардан фойдаланиб, молекулалараро боғларни мустаҳкамлаш услублари яратилган;

бўялган толали компонентларни киритиш йўли билан қоғозли ҳужжатларнинг қалбакилаштиришдан ҳимояланганлигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

босилувчи материалнинг ғоваклиги, бўёқнинг шимилиш чуқурлиги ва тақсимланишини ҳисобга олиб, назарий таҳлил асосида қоғознинг бўёқ қабул қилишини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

Бокс-Уилсоннинг кескин кўтарилиш услуби бўйича тажрибавий қоғоз турларида босишда бўёқни қабул қилиш қонунияти ишлаб чиқилган;

линтдан олинган пахта целлюлозаси ва синтетик полимерлар асосида тайёрланган қоғознинг босма-техник хоссаларини созлаш параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

офсет босма учун таркибида лонтдан олинган пахта целлюлозаси, синтетик тола чиқиндилари ва полимер елимловчи моддалар (БСЛ, АЭ, ПАА, ПАПЭТФ) мавжуд бўлган қоғоз тайёрлаш учун композиция таркиби таклиф қилинган;

қоғознинг физик-механик хоссалари, компонентлар табиати ва миқдори, толаларнинг майдаланиш даражаси ва геометрик ўлчамлари, композицияни тайёрлаш ва қоғоз қуйишнинг технологик тартибларига боғлиқлиги аниқланган;

олинган янги қоғоз композицияларининг асосий физик-кимёвий, тузилма-механик, босма-техник ва фойдаланиш хоссалари аниқланган;

елимловчи агентлар сифатида синтетик полимерлардан фойдаланишда лонтдан олинган пахта целлюлозаси таркибига синтетик тола чиқиндилари киритиб тайёрланган қоғознинг массада елимланиш самарадорлигини ошириш йўллари таклиф қилинган;

тажрибаларни математик режалаштириш услуби билан бўёқ кўчиришни мос тарзда баён қилувчи ва босим шароити, босиш тезлиги ва қоғоз силлиқлигига боғлиқ ҳолда қоғознинг босма-техник хоссаларини прогнозлашга имкон берувчи регрессия тенгламалари олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги назарий ҳамда тажрибавий изланишлар натижаларининг ўзаро мос келиши, қоғоз ва босма нусхаларнинг рентген-тузилмавий, спектроскопик, оптик, денситометрик, колориметрик таҳлили исботланган баҳолаш мезонлари асосида таҳлилий натижаларини таққослаш ва ишлаб чиқаришнинг реал шароитларида ҳамда аккредитацияланган ускуна ва ўлчагичлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти модификацияланган нитрон чиқиндилари ёки

ишқорий муҳитда гидролизланган нитрон толасининг (ГНЧ) целлюлоза макромолекулалари ҳамда фаол-функционал полимерлар билан ўзаро таъсирлашув механизмини белгилаш, целлюлоза ва кимёвий толаларнинг кристаллилик даражаси, фибриллярлигини сошлаш, молекулалараро ўзаро таъсирлашув энергиясини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти линтдан олинган пахта целлюлозаси, модификацияланган нитрон чиқиндилари, полимерли елимловчи моддалар асосида қоғоз композицияси таркибини ишлаб чиқишда физик-механик ва босма-техник хоссалари барқарорлашган офсет босма қоғози олинганлиги ҳамда таннархи пасайганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланган ҳолда янги таркибдаги қоғоз олиш технологияси ва босма хоссаларини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

линтдан олинган пахта целлюлозаси ва нитрон чиқиндилари (НЧ) асосидаги қоғоз композицияси таркибида полимерли елимловчи моддаларни қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган («Қоғоз массаси» IAP 05165-2016 й, «Қоғоз массаси» IAP 04622-2012 й.). Натижада қоғоз юзасининг бир жинсли тузилмаси ҳосил бўлиб, бу эса анча юқори механик мустаҳкамлик хоссаларига эга бўлган қоғоз олиш имконини берган;

ҳимояланган қоғоз таркибида поливалент металл тузига эга бўлган табиий ипак чиқиндилари ва нитрон чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ихтиросига патент олинган («Қоғозни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш учун қоғоз массаси», IAP 04213-2010 й.). Натижада қимматбаҳо ҳужжатларни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш имкони яратилган;

линтдан олинган пахта целлюлозаси ва нитрон чиқиндилари асосида қоғоз олиш технологияси тасдиқланган технологик регламент асосида Матбуот ва ахборот агентлиги корхоналарида, жумладан, «BUM KOS KARTON» МЧЖ, «ANGREN PACK» АЖ ва «JUNAL QALIN QOGOZ» МЧЖлар фаолиятига жорий қилинган, қоғозларнинг юзасига тасвир тушириш ва босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш «Шарқ» НМАК, «Ғофур Ғулом» НМИУ ва «Ўзбекистон» НМИУ босмаҳона шароитларида амалга оширилган (Матбуот ва ахборот агентлигининг 2016 йил 21 ноябридаги 02-3093-сон маълумотномаси). Диссертация натижалари бўйича тавсия қилинган қоғозни корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий қилиш республикада қоғоз ишлаб чиқариш ҳажмини 5-6% га оширишга ва матбаачилик корхоналари томонидан талаб этилган хоссаларга эга қоғоз олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 2 та халқаро ва 64 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 101 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 35 та мақола (19 та республика ва 12 та хорижий журналларда), чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таркибига синтетик полимерлар киритилган қоғоз ишлаб чиқаришнинг ҳолати, муаммолари ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлили, олим ва тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқот муаммосининг ҳолати ҳақида ахборот келтирилган. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қоғоз истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш таҳлил қилинган, композициясида ноёғоч ўсимлик хомашёсидан олинган толали яриммахсулотлардан ва тўқимачилик саноати чиқиндиларидан фойдаланиб қоғоз махсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тажриба маълумотлари умумлаштирилган.

Диссертацияда, шунингдек, босиш жараёнида қоғоз ва бўёқнинг ўзаро таъсирлашувига дахлдор ҳамда босиш тизимларининг ранг қамровига таъсири, градацион тавсифномалар ва тайёр нусханинг сифатига тааллуқли бўлган ишлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Кимёвий тола чиқиндилари қўшилган қоғозларни тайёрлаш технологияси ва физик-механик хоссалари»** деб номланган иккинчи бобида ЛПЦ таркибига СТЧ қўшиб қоғоз тайёрлаш технологияси муҳокама қилинади, синтетик полимерларнинг қоғознинг физик-механик хоссаларига таъсири ҳақидаги маълумотлар тизимлаштирилади. Технологик жараёнлар - тайёрлаш, қирқиш, СТЧ ни диспергирлаш, аралаштириш ва ҳ.к. ларнинг самарадорлигини тадқиқ қилган ҳолда 1-расмда келтирилган шакл энг маъқули сифатида танланган.

Тажриба қисмида қоғоз массасига СТЧ қўшиб тайёрланган қоғозларнинг механик кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Толали массанинг қоғоз ҳосил қилиш қобилятининг пасайиши, қоғоз варағида молекулалараро водород боғлар миқдорининг камайиши ва яқунда қоғоз умумий хоссаларининг

ёмонлашуви қоғоз ишлаб чиқаришда СТЧ ни кенг жорий қилишга тўсқинлик қилади. СТЧ нинг қоғоз хоссаларига салбий таъсирини камайтириш учун уларнинг юзасини олдиндан тайёрлашни амалга ошириш таклиф қилинди.



1-расм. Линтдан олинган пахта целлюлозаси ва синтетик тола чиқиндилари асосида қоғоз ишлаб чиқариш технологияси

Физик-механик ва мустаҳкамлик кўрсаткичларини баҳолаш қоғоз таркибига чизиқли зичлиги камроқ бўлган маълум узунликдаги (2-12 мм) ва майдалананлик даражаси 60 °ШР бўлан СТЧ ни қўшишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Толали массанинг ҳам нам, ҳам қуруқ ҳолатда мустаҳкам илакишишини таъминлаш учун қоғоз композициясига МНЧ киритиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. ПАН толаларни модификациялаш табиий ипак чиқиндилари эритмаси билан ишлов бериш йўли билан амалга оширилади. Янги молекуляр боғларнинг композицион қоғознинг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш учун ишлов берилмаган нитрон чиқиндилари (НЧ) ва МНЧ қўшилган қоғозларнинг хоссалари солиштирма тадқиқ қилинди (1-жадвал).

Хоссаларни солиштириш шуни кўрсатадики, тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзгариш тавсифида сезиларли фарқлар мавжуд. МНЧ нинг миқдори ошганда композицион қоғознинг узилиш узунлиги деярли тоза ЛПЦ

асосида тайёрланган қоғоз билан бир хил даражада қолади. Қоғоз композициясига МНЧ 20% гача кўшилганда қоғознинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари бор-йўғи ~5% га пасаяди.

1-жадвал

Тажрибавий қоғозлар физик-механик хоссаларининг композиция таркибига боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Вариантлар								
	Ишлов берилмаган НЧ					Модификацияланган ПАН толалар			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9
Қоғоз массасида НЧ миқдори, %	0	5	10	15	20	5	10	15	20
Қоғоз массасида ЛПЦ миқдори, %	100	95	90	85	80	95	90	85	80
Узилиш узунлиги, м	3682	3585	3471	3314	2949	3634	3626	3678	3506
Узилиш кучланиши, Н	31,0	31,0	32,0	26,0	15,0	31,0	31,8	30,4	30,0
Синиш, и.б.с.	44	48	54	64	66	44	45	42	40
Куллилик, г	4,0	4,3	4,6	4,6	4,9	4,3	4,6	4,7	4,9

Кимёвий толаларни модификация қилишнинг яна бир усули – макромолекулалар ён функционал гуруҳларини гидролиз қилиш. Навбатдаги тадқиқотлар нитрон ва ацетат толаларини қисман ишқорий гидролиз қилиш мақсадида амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажрибавий қоғозлар физик-механик хоссаларининг 90° С да гидролизланган нитрон чиқиндилари миқдorigа боғлиқлиги

№	Композицион таркиб, %			Узилиш узунлиги, м	Синиш, и.б.с
	ЛПЦ, %	NaOH нинг 3% ли эритмасида гидролизланган НЧ	NaOH нинг 5% ли эритмасида гидролизланган НЧ		
1	100	-	-	3100	43
2	95	5	-	3150	50
3	90	10	-	3200	48
4	85	15	-	3200	45
5	80	20	-	3300	42
6	70	30	-	3230	42
7	95	-	5	3300	43
8	90	-	10	3400	44
9	85	-	15	3650	47
10	80	-	20	3300	49
11	70	-	30	3210	48

ПАН толасини қисман гидролиз қилиш NaOH нинг 3 ва 5 фоизли эритмалари билан амалга оширилди. Гидролиз натижасида макромолекулаларда маълум миқдордаги гидрофил карбоксил гуруҳлар ҳосил бўлади.

Гидролизнинг қоғоз хоссаларига ижобий таъсирининг иккита сабаби мавжуд. Биринчидан, эрувчанлик, гидролизланган нитроннинг сувда бўкиши яхшиланади, бу толаларнинг илакишишини ва композиция тузилмасини умумий ҳолда яхшиланишига олиб келади. Иккинчидан, карбоксил гуруҳлар қоғоз варағида молекулалараро водород боғларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади.

ПАН тола чиқиндилари гидролизи ҳароратини 60°C дан 90°C гача ошириш ва NaOH концентрациясини 3% дан 5% гача ошириш қоғоз мустаҳкамлик хоссаларининг ўсишига олиб келади. Карбоксил гуруҳлар солиштирма улушининг оширилиши толалар бўкиш даражасининг ошишига олиб келади.


Диссертациянинг **«Полимер елимловчи моддалардан фойдаланиб тайёрланган композицион қоғоз»** деб номланган учинчи бобда амалга оширилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида танқис канифоль елимини турли хилдаги синтетик полимерлар билан алмаштириш таклиф қилинади. Функционал-фаол гуруҳларга эга бўлган синтетик полимерларнинг эритмалари ва эмульсиялари канифоль елимига муносиб ўриндош бўлиши мумкин.

Қоғозга зарурий механик мустаҳкамлик бериш учун полимерли елимловчи моддалар – АЭ, ПАПЭТФ, БСЛ ва ПАА дан фойдаланилди. Полимер елимларни қўллаш қоғоз ғоваклигининг камайишига ва унинг механик мустаҳкамлиги ортишига олиб келади, бу янги водород ва ковалент боғларнинг ҳосил бўлишидан далолат беради.

Синтетик полимерларнинг қоғознинг толали компонентлари билан ўзаро таъсирлашуви механизмини ва олинган композициянинг тузилмасини аниқлаш мақсадида рентгеноскопик тадқиқотлар амалга оширилди (2-расм). 1372 ва 2900 см⁻¹ да кристаллик ва аморф соҳалар учун тавсифли бўлган ютиш йўлқалари интенсивликлари бўйича ИК спектрда целлюлозанинг кристаллилик даражаси аниқланди.

Канифоль елими, АЭ ва ПАПЭТФ эритмасидан фойдаланиб олинган тажрибавий қоғозлар учун кристаллилик даражаси ўсади, тегишлича 0,59; 0,63 ва 0,72. ПАПЭТФ эритмасидан фойдаланиб олинган қоғозларда ОН-гуруҳлари валент тебраниши ютиш йўлқаларининг сезиларли силжиши (70 см⁻¹ га) кузатилади. Бундай силжиш ПАПЭТФ иштирокида кўшимча молекулалараро водород боғларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Рентгенограммаларни таққослаш шуни кўрсатадики, елимловчи модда канифоль елими қоғоз массасига ўтиши билан қоғозда сезиларсиз кристаллик соҳа ҳосил бўлади, унинг дифракцияларининг интенсивлиги елимловчи модданикидан кичикроқ (2-расм, а).



2-расм. Елимловчи модда рентгенограммалари. Канифоль елими (а) ва канифоль елими кўшиб тайёрланган қоғоз (а'), АЭ (b) ва АЭ кўшилган қоғоз (b'), ПАПЭТФ (с) ва ПАПЭТФ кўшилган қоғоз (с'), БСЛ СКС-65ГП (d) ва БСЛ СКС-65ГП кўшилган қоғоз (d')

Елимловчи модда – АЭ ва унда елимланган қоғоз рентгенограммаларини таққослаш шуни кўрсатадики, қоғоз массасига АЭ ўтиши билан намунанинг кристаллилиги ошади, интенсив йўлкалараро масофанинг ҳосил бўлиши бундан далолат беради (2-расм, b). АЭ аралаштиргичда яхши майдаланади, сувда яхши эрийди ва бир жинсли қоғоз массасини ҳосил қилади. Қоғоз композициясига маълум миқдордаги полимер эмульсия киритиш унинг намликка чидамлилигини оширади, чунки синтетик толалар орасида мустаҳкам боғлар ҳосил бўлади.

ПАПЭТФ эритмаси кўшилган қоғоз рентгенограммаларини таққослашда бошқачароқ манзара кузатилади. ПАПЭТФ эритмаси қоғоз массасига ўтиши билан намунанинг кристаллилиги ошади, интенсив йўлкалараро масофанинг ҳосил бўлиши бундан далолат беради. 2,75А (20-40) дан бошлаб кристаллилик

йўқолади, рентгенограммада чизикларнинг йўқолиши бундан далолат беради (2-расм, с).

Елимловчи модда сифатида СКС-65ГП БСЛ дан фойдаланилган ҳолатда ҳам рентгенограмманинг шунга ўхшаш тавсифи кузатилади (2-расм, d). Дифракциянинг интенсивлиги бўйича хулоса чиқариладиган бўлса, БСЛ қўшилган қоғоз кристаллиликнинг энг юқори даражасига эга.

Кейинги ишда полимер елимловчи моддаларга эга қоғознинг физик-механик хоссалари канифоль елими билан елимланган қоғоз билан солиштириб тадқиқ қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

Тажрибавий қоғозларнинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар Вариантлар	Елимловчи модда											
	Канифоль елими				Акрил эмульсияси				ПАПЭТФ			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қоғоз массасида елимловчи модда миқдори, %	0,5	1,0	1,5	2,0	0,5	1,0	1,5	2,0	0,5	1,0	1,5	2,0
ЛПЦ, %	100	95	90	85	100	95	90	85	100	95	90	85
НЧ, %	-	5	10	15	-	5	10	15	-	5	10	15
Узилиш узунлиги, м	3000	3030	2890	2530	3194	3364	3369	3461	3194	3439	3577	3611
Узилиш кучланиши, Н	31,0	32,0	26,0	15,0	34,6	32,8	33,4	40	34,6	36,3	39,7	40,0
Синиш, и.б.с.	44	54	64	66	66	182	221	259	65	70	76	87
Куллилик, г	4,0	4,6	4,6	4,9	4,7	4,6	4,7	4,9	4,7	4,6	4,7	4,9

Иш елимловчи модданинг миқдори турлича олинган ҳолда бир нечта вариантларда олиб борилди. Қоғознинг физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари бўйича полимер елимловчи моддаларнинг яққол устуворлиги кузатилди. АЭ қўшилган қоғоз учун синишга қаршилик (икки томонга букишлар сони) 16 марта ошди. Синишга қаршилик мустаҳкамликка, эгиловчанликка ва толалар орасидаги боғ кучларига боғлиқ. АЭ ва ПАПЭТФ целлюлоза ва синтетик толалар қўшимча молекулалараро боғларини ҳосил қилгани ҳолда бир вақтнинг ўзида макромолекулаларга ва қоғоз варағига эгиловчанлик беради.

Бунга полимерли елимловчи модда макромолекулаларининг эгиловчанлиги ва юқори даражада функционал фаоллиги хизмат қилаётган бўлиши мумкин, бундай тенденция АЭ ва ПАПЭТФ нинг миқдори юқори даражада бўлганда ҳам сақланиб қолади.

ПАПЭТФ дан фойдаланилганда канифоль елими билан елимланган қоғозга нисбатан узилиш узунлиги 40% га, узиш кучланиши 20% га ва синишга қаршилиқ кўрсаткичи ~30% га яхшиланди. Синтетик полимерлар целлюлозанинг адгезиясини ва фибрилляр тузилмасини яхшилади, у билан водород ва ковалент боғлар даражасида кимёвий таъсирлашувга киришади.

Диссертациянинг «Химоя қоғозларининг таркибини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда қимматбаҳо қоғозларни химоя қилиш муаммолари муҳокама қилинади. Қоғозни қалбакилаштиришдан химоялаш хоссаларини яхшилаш учун қоғоз композициясига ЛПЦ, бўялган МНЧ ва поливалент металл тузларининг координатсион бирикмалари билан махсус бўялган табиий ипак чиқиндилари (ИБТИЧ) киритилди. Тажрибавий қоғозларнинг олинган физик-механик хоссалари маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

ИБТИЧ мавжуд бўлган тажрибавий қоғозларнинг физик-механик хоссалари

№ п/п	Композицион таркиб, %			Қалинлик, мм	Зичлик, г/см ³	Куллилик, %	Узилиш		Синиш, циклар
	ЛПЦ	НЧ	ИБТИЧ				Кучланиши, Н	Узунлиги, м	
1	100	0	0	0,11	0,68	5,2	46	3682	36,6
2	96	2	2	0,12	0,68	5,3	44	3564	34,0
3	95	2,5	2,5	0,12	0,67	5,2	43	3500	32,0
4	90	5	5	0,13	0,68	5,4	44	3586	28,0
5	85	7,5	7,5	0,12	0,71	5,6	45	3607	25,0
6	80	10	10	0,13	0,71	5,3	46	3610	20,0

4-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий массага нисбатан 5% миқдорда НЧ ва ИБТИЧ киритиш қоғоз узилиш узунлигининг доимий равишда пасайишига олиб келади. Тизимда НЧ ни яна ошириб бориш композицион қоғоз мустаҳкамлик тавсифномаларининг доимий равишда пасайишига олиб келади. Бироқ, тизимда ИБТИЧ нинг миқдорини 10% га ошириш қоғоз мустаҳкамлигининг ўсишига олиб келади. Қоғоз композициясида НЧ-ИБТИЧ донор-акцептор боғларнинг юзага келиши натижасида қоғоз массаси курилтилишида қоғознинг мустаҳкамланиши содир бўлади.

Қуйида ИБТИЧ оқсилли комплексларнинг целлюлоза ва нитрон сополимери функционал гуруҳлари билан ўзаро таъсирлашуви шакли келтирилган.



ИБТИЧ киритиш нафақат қоғоз мустаҳкамлик кўрсаткичларининг ортишига олиб келади, балки НЧ билан биргаликда қўлланилганда қоғозда қалбакилаштириб бўлмайдиган майдонларни олиш имконини беради, бу қалбакилаштиришдан ҳимояланганлик даражасини сезиларли оширади.

Диссертациянинг “**Таркибига синтетик полимерлар киритилган янги қоғознинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш**” деб номланган бешинчи бобда таркибида синтетик полимерлар мавжуд бўлган янги турдаги қоғозларнинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Қоғозларнинг босма-техник хоссаларини ўрганиш учун ЛПЦ, МНЧ, ИБТИЧ мавжуд бўлган бир нечта вариантлар танлаб олинди (5-жадвал).

5-жадвал

Тадқиқот объеклари

Намуна №	Намуналарнинг толали таркиби
№1	100 % ЛПЦ, массада канифоль елими
№2	85% ЛПЦ ва 15% НЧ, массада АЭ
№3	85% ЛПЦ ва 15% НЧ, массада ПАПЭТФ
№4	85% ЛПЦ ва 15% НЧ, массада канифоль елими
№5	85% ЛПЦ ва 15% МНЧ, массада канифоль елими
№6	85% ЛПЦ ва 15% ГНЧ, массада канифоль елими
№7	85% ЛПЦ, 7,5% НЧ ва 7,5% ИБТИЧ, массада канифоль елими
№8	85% ЛПЦ, 15% ИБТИЧ массада канифоль елими

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кимёвий толанинг табиати, қоғоз композициясида компонентларнинг нисбати қоғознинг барча физик-механик ва босма хоссаларига таъсир кўрсатади (6-жадвал).

6-жадвал

Тажрибавий қоғозлар физик-механик хоссаларининг композицион таркибга боғлиқлиги

Кўрсаткичлар номи	Қоғоз тури							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Синиш, и.б.с.	44	259	87	64	42	43	25	42
Куллилик, г.	4,0	4,9	4,9	4,6	4,7	4,7	5,6	6,2
Силлиқлик, с	42	51	50	33	40	43	46	48
Оқлик, %	81	83	85	82	84	86	84	83
Узилиш узунлиги, м.	3682	3661	3611	3314	3678	3650	3607	3722

Келтирилган силлиқлик қийматлари шундан далолат берадики, кимёвий тола қўшилган барча қоғоз намуналарининг силлиқлиги №4 қоғозига нисбатан яхшироқ. Бироқ, канифоль елимининг АЭ ва ПАПЭТФ билан алмаштирилиши силлиқлик кўрсаткичининг 20% ортишига олиб келади (№2 ва 3). Қоғоз таркибига 1:1 нисбатда ИБТИЧ ва НЧ киритиш (№7) силлиқликни 10% га оширади. Тадқиқ қилинаётган қоғозларнинг оқлик кўрсаткичлари 81 дан 86% гача диапазонда ўзгаради. Бироқ, канифоль елими АЭ (№2) ва ПАПЭТФ эмульсияси (№3) билан алмаштирилганда оқлик кўрсаткичи ~6% га ошади. Барча қоғоз намуналари кўп бўёқли босма талабларини (ГОСТ 7690) қондирувчи юқори даражадаги оқлик кўрсаткичларига эга.

Полимер елимловчи моддалардан фойдаланиш қоғоз ғоваклигини 38% га ва сиқишда нисбий деформацияни 15% га камайтиради. Фойдаланилган полимерлар таркибида ҳам целлюлоза билан, ҳам синтетик толалар билан кимёвий мослашадиган функционал гуруҳларнинг мавжудлиги янги молекулалараро боғларнинг юзага келишига, турли жинсли толаларнинг яхши тўқилишига ва умуман олганда, қоғоз тузилмасининг зичлашишига олиб келади.

Қоғоз массасига синтетик полимерлар киритилганда (№2 ва №3 қоғозлар) ғоваклилик ва капиллярлар ўлчамининг кичрайиши ҳисобига қоғознинг босма бўёғига нисбатан шимиш хусусияти яхшиланади. Иккинчи томондан, суюқликнинг шимилишига нафақат ғовакликларнинг ўлчами, балки синтетик полимернинг табиати ҳам таъсир кўрсатади. Шимилувчи модда ва тола молекулаларининг лиофиль-лиофоб ўзаро таъсирлашуви ҳам таъсир кўрсатади. Тажрибавий қоғознинг бўёқ қабул қилиши нафақат композицияда синтетик ва целлюлоза толаларининг фоизли нисбати билан фарқланади, балки қоғознинг молекуляр ва тузилмавий табиати билан ҳам аниқланади.

Диссертациянинг «Қоғознинг бўёқлар билан таъсирлашуви» деб номланган олтинчи бобида тажрибавий қоғозларнинг матбаа бўёқлари билан ўзаро таъсирлашуви тадқиқ қилинган.


7-жадвал

Силлиқлик ва бўёқ қабул қилишнинг қоғоз турига боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Қоғоз тури							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Силлиқлик, м/с	42	51	50	33	40	43	46	48
Бўёқ қатлами қилинлиги, мкм	0,95	1,11	1,05	0,65	0,90	1,13	0,95	1,04
Оптик зичлик, $D_{оп.пл.}$	1,02	1,20	1,22	0,90	1,30	0,75	0,67	0,85
Бўёқ ўтиши коэффициенти, R, %	36,8	48,6	45,0	33,2	35,2	47,5	39,0	49,1

Бўёқ ўтиш жараёнини миқдорий баён қилиш учун нусхадаги бўёқ миқдорининг унинг қолипдаги миқдорига нисбатини ифодаловчи кўчириш

коэффициентидан фойдаланилади. Коэффициент бўёқнинг босма қолипдан босилувчи материалга ўтиши даражасини тавсифлайди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган. Қоғознинг босма бўёқлари билан ўзаро таъсирлашуви тавсифини аниқлаш учун ИК-спектроскопик тадқиқотлар ўтказилди (3-расм).



3-расм. ИК – спектрлар. 100% ПЦ асосидаги қоғоз (1), 85% ПЦ ва 15% МНЧ (2), 85% ПЦ ва 15% ТИЧ (4). 85% ПЦ ва 15% МНЧ (3), 85% ПЦ ва 15% ИБТИЧ (5) қоғозидаги нусхалар. Босма бўёғи (6).

МНЧ толаларга эга қоғоз спектрларида қандайдир ўзгаришларни сезиш мумкин (эг.2). 3414 см^{-1} соҳасида гидроксил гуруҳлар валент тебранишлари ютилиши йўлкаси тахминан 15 см^{-1} га юқори частотали соҳага силжийди. Шунинг учун тизимда N–H–боғлар, карбоксил гуруҳларнинг ҳосил бўлишига ва молекулалараро водород боғлар тавсифининг ўзгаришига хизмат қилади. Барча қоғозларда ҳаворанг бўёқлардан фойдаланиб босма нусхалари олинди. Бўёқларнинг ИК-спектрларида 3436 см^{-1} да пигментнинг N–H боғлари валент тебранишларига тааллуқли бўлган интенсив тор ютилиш йўлкаси аниқланди, $2851\text{-}2924\text{ см}^{-1}$ да –СН–гуруҳлар валент тебранишларига тааллуқли бўлган, 1632 см^{-1} да пигментнинг –C≡N гуруҳ валент тебранишларига тааллуқли бўлган йўлкалар аниқланди (эг. 6). Баъзи босма нусхаларнинг ИК-спектрларида 1575

см⁻¹ да янги ютилиш йўлкаси ҳосил бўлади, у бўёвчи молекулаларининг -N=N- боғлари валент тебранишларига тааллуқли (эг. 3).

ИБТИЧ қўшилган қоғоз (эг. 4) ва уларда босилган нусхаларда (эг. 5) 1637-1734 см⁻¹ соҳада спектрал йўлкаларнинг ўзгариши кузатилади. Қоғоз массасига МНЧ ёки ГНЧ, шунингдек, ИБТИЧ ларини киритиш қоғознинг хоссаларини ўргартиради, силлиқлигини оширади, қоғозга силлиқлик беради, шу билан бир вақтда босма бўёқларини қабул қилиш қобилиятини яхшилайдди. Спектроскопик тадқиқотлар целлюлоза – кимёвий толалар – елимловчи моддалар – босма бўёқлари тизимида кимёвий ўзаро таъсирлашуви имкониятини кўрсатади.

Нусхаларнинг кўндаланг қирқимлари тадқиқ қилинаётган қоғозларнинг шимиш хусусиятлари ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Кўндаланг қирқимларни таҳлил қилиш учун «Полам Р-312» поляризацион микроскопидан фойдаланиб микрофотографик тадқиқотлар амалга оширилди, улар 4-расмда кўрсатилган.



4-расм . Плашка нусхалари кўндаланг қирқимининг микрофотографиялари (микрофотография 200 марта катталаштирилган)


Тажрибавий қоғоз қирқимларини микроскопик тадқиқ қилиш қоғоз ғоваклигининг камайиши билан барча ҳолларда бўёқ шимилиш чуқурлигининг камайишининг кузатилишини аниқлашга имкон берди. Қоғоз юзаси тузилмасидан кўришиб турибдики, каттик босма қолипидан босишда нусхада бўёқнинг бир текис тақсимланиши, бўёқ кириб бориш чуқурлигининг энг кичик бўлиши ва босманинг бир жинслилиги кузатилади. Босманинг бир текислиги ва синтетик нитрон толалари қўшилган қоғоз юзасининг мустаҳкамлиги стандарт талабларини қондиради.

Навбатдаги тадқиқотларда тасвирнинг аслнусахага ва босма нусхаларига градацион узатилиши баҳоланди (5-расм). Олинган градацион эгри чизиқлар барча қоғоз турларида бир текис тавсифга эга.

Сариқ бўёқ учун олинган градация эгри чизиқлари оптик зичликнинг етарли қийматига эга. (5-расм, а). Оптик зичликларнинг бир турдаги қийматлари босишнинг денситометрик меъёрлари оптик зичлигига, босма хоссаларини аниқлаш услубига (O'z DSt 1114:2006) мос келади. Сариқ бўёқнинг юқори даражадаги равшанлиги унинг босилувчи материалга кўпроқ микдорда ўтишини талаб қилади.

Растри линиатураси 100 лин/см бўлган ҳаворанг бўёқли нусханинг градацион эгри чизиқлари 5-расм, б да келтирилган. Олинган градацион эгри чизиқлар шундан далолат берадики, кўчириладиган ҳаворанг бўёқнинг микдорини ошириш тус диапазони чегарасида бир текислиги билан тавсифланади.


Қора бўёқ учун қурилган градацион эгри чизиқлар оптик зичликларнинг равон ўзгариши ва деталларнинг яхши ишланиши билан тавсифланади (5-расм, в). №2 ва №3 тажрибавий қоғозларда қора бўёқни ҳосил қилишга нисбатан шунга таъкидлаш мумкинки, уларда оптик зичлик қийматлари юқорироқ. Бироқ, бунда шунга ҳам ҳисобга олиш лозимки, тусли муҳим деталларнинг асосий қисми айнан қора бўёқ ҳиссасига тўғри келади.




5-расм. Нусханинг градацион эгри чизиқлари
а-сарик бўёқ учун,
б-ҳаворанг бўёқ учун,
в- қора бўёқ учун

Қора бўёқнинг градацион эгри чизиғи 50% га тенг бўлган растр элементининг нисбий майдони қийматидан бошлаб, оптик зичликнинг сезиларли даражада ўсишига эга. Олинган оптик зичлик қийматларини ва офсет бўёқлари билан босишнинг ўзига хосликларини уйғунлаштириш ҳосил қилинаётган тасвирларда юқори контраст ва аниқликка эришишга имкон беради.

Тасвир туширилган макет нусхалари учун рангдорлик координаталари топилган (расм 6). Ryobi 780-4 (Япония) варақли босма ускунасида босилган нусхаларнинг ранг координаталари бир-бирига яқин.



6-расм. XYZ рангдорлик координаталари (офсет босма)



7-расм. CIE Lab тизимида тажрибавий қоғозларнинг ранг қамрови (рақамли босма)

Ранг кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун D50 Color 250 рақамли босма қурилмасида тажрибавий қоғоз турларида нусхалар босилди. Босишнинг ранг қамрови тизим ҳосил қилиши мумкин бўлган рангларнинг максимал сонини баҳолашга имкон беради (7-расм).

Ранг фарқланишларини аниқлаш тизимида ўлчаш натижалари 6- ва 7-расмларда келтирилган. Тадқиқ қилинаётган қоғозларнинг оқлик қийматлари 81-86% чегарасида. Бунда №3 қоғози энг юқори оқликка эга бўлиб, унга нисбатан ранг фарқланишлари аниқланган. Намуналарнинг силлиқлиги 33 дан 51 сониягача. Силлиқликнинг юқори қиймати ҳам №3 қоғозга тегишли.

